

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ
АЪЗОСИ А.УСМАНОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ахмад Туғилович Усмановнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 4 февраль,
№ 718.*